

# Ishonch

2019 йил 15 октябрь • сешанба • № 126 (4255)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ҚАРДОШЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Боку, 14 октябрь. ЎЗА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тўркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммитида иштирок этиш учун 14 октябрь кўни Боку шаҳрига ташриф буюрди.**

Боку халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ёқуб Аюбов, Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашди.

Давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиб, бу борада биринчи галдаги вазифаларни белгилаб олдилар.

Мамлакатларимиз етакчи компаниялари ва тадбиркорлари даражасида ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиш, шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа устувор тармоқларда кооперацияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки томонлама ҳукуматлараро комиссия фаолиятини жонлантириш ҳамда Ўзбекистон ва Озарбайжон ҳудудлари делегацияларининг ўзаро ташрифларини ташкил этишга келишиб олинди.

Илҳом Алиев Шавкат Мирзиёевни мамлакатимиз Тўркий тилли давлатлар кенгашига қўшилгани билан табриклаб, бу, шубҳасиз, икки томонлама муносабатларни, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга янги суръат бағишлашини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари саммитга тайёргарлик юксак даражада ташкил этилганини алоҳида таъкидлади ва Озарбайжоннинг ташкилотда муваффақиятли раислик қилишини тилади.

Учрашув якунида Президентлар кўп асрлик дўстлик ва стратегик шерикликка асосланган Ўзбекистон – Озарбайжон муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Кавказ муслмонлари идораси раиси шайхулислом Оллоҳшукур Пошшоходани қабул қилди.

Учрашувда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш, конфессиялараро мулоқотни кенгайтириш, таълим ва ёшларнинг маънавий тарбияси масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги халқаро ҳамкорлик даражаси тобора юксалиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар замонавий хатар ва таҳдидларга қарши самарали курашиш, муқаддас ислом динининг соф қадриятлари ва чинакам инсонпарварлик мақсадла-

рини халқаро ҳамжамиятга етказишга хизмат қилиши таъкидланди.

Кавказ муслмонлари идораси раиси, ўз навбатида, Ўзбекистон Президентининг ислом оламининг бой меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш бўйича ташаббусларини алоҳида эътироф этар экан, бу борада қабул қилинаётган чоралар самарали эканини қайд этди.

Оллоҳшукур Пошшоходо мамлакатларимиз ва бутун минтақада тинчлик, тотувлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш йўлида фаол мулоқот ва ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлигини билдирди.

Саммитнинг асосий воқеалари 15 октябрь кўни бўлиб ўтди. Тўркий кенгашига аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган масалаларни муҳокама қилдилар.

Тўркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (Тўркий кенгаш) бундан ўн йил аввал – 2009 йил 3 октябрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида Озарбайжон, Туркия, Қирғизистон ва Қозоғистон иштирокида ташкил этилган. Ушбу халқаро ташкилотнинг асосий мақсади тўркий тилли давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик, яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, минтақада ва дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлашдан иборат.

Бу йилги саммитнинг ўзига хос томони шундаки, Ўзбекистон биринчи мартаба Тўркий кенгашининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида иштирок этмоқда.

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йил 3 сентябрь кўни Қирғизистоннинг Чўпонота шаҳрида бўлиб ўтган Тўркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг олтинчи саммитида илк бор фахрий меҳмон сифатида қатнашган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу саммитдаги нутқида Тўркий кенгаш доирасидаги алоқаларни ривожлантиришга оид муҳим йўналишларга тўхталиб, Ўзбекистон мазкур халқаро тузилма доирасида ўзаро самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини, унинг келажигига катта умид ва ишонч билан қарашини таъкидлаган эди.

Бу йил Ўзбекистон ушбу ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилиш йўлидаги тарихий қадамни ташлади. Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 14 сентябрь кўни «Тўркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш тўғрисида»ги Ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини имзолади. Шу тариқа Ўзбекистон яна бир йирик халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

Бу галги анжуман иқтисодий, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга бағишланган бўлиб, бу Ўзбекистоннинг ташаббусларига мосдир. Умуман, Тўркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзолик мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

ЎЗА

Долзарб мавзу

## ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Жамоатчилик комиссияси бу борадаги ишларни таҳлил этмоқда

Халқимизда «Қиш ўчоғи тор» деган нақл бор. Яна халқимиз айтдики, қор осмонда қишмайди. У кунларга яқин қолди. Остонада табиатнинг инжиқ мавсуми кутиб турибди. Қишнинг ҳар бир кўни – синов. Бу имтиҳонлардан эса пухта тараддуд кўрган ўтади. Буни мутасаддилар қандай англаб етишмоқда? Тайёргарлик қандай кетмоқда? Ахир мавсумдаги ҳар бир ҳолат учун биринчи навбатда улар масъул.



дан кечириш, муаммоли масалаларни ҳал этиш учун ташкил этилаётган учрашувлар айни шунга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

4



## ЙЛК ВА СЎНГГИ СЎЗИМИЗ: ВАТАН!

«Ватанга қўриқчилар эмас, посбонлар керак», деган эди француз шоири Рене Шар. Қўриқчилар эмас, посбонлар дейиляпти, демак, фарқ бор. Зотан, полизга ўрнатилган «қўриқчи» – тулумнинг ҳам вазифаси бор – ҳосилни хавфдан кўримок!.. Посбон сўзи эса ҳарчанд биз бугун ҳуда-беҳуда такрорлайвериб, қийматини тушириб юборган бўлсак-да, моҳият-эътибори билан ўзида жонфидоликни ифода этади.

Албатта, Ватанни севиш, унга фидойи бў-

лиш учун ўлиш шарт эмас. Балки шу йўлда, керак бўлса, ўлимни бўйинга олиш, миллат ва она тупроқ шаъни учун билвосита ҳар қандай хатар юзига тик боқишни англалади бу муҳаббат. Ватан миллат идроки билан мавжуддир. Янаям соддароқ айтсак, миллат Ватаннинг устунидир. Шу тупроқ устида яшагани учун эмас, уни шарафлагани, шўҳратга буркагани ва ниҳоят, шу заминни Ватан билгани учун ҳам унга уйғундир.

Кулларнинг тарихи бўлмайдиган, деган гап бор. Буни оқсуяклар айтган бўлса-да,

бунда қисман ҳақиқат ҳам йўқ эмас. Зотан, мустахлак элнинг тарихини истилоқчилар ёзади. Биз ана шундай аччиқ кунларни кўрган, азобини тотган миллатимиз. Бироқ кўнгилда бир иштибоҳ борки, мана шу улўғ неъмат қадрини англаяпмизми! Ҳудуд овозидек деган тотли сўз бир эстетик тушунча ўлароқ бизга неларни англади? Ватанга фидойи бўлиш, миллатпарварлик, юрт қайғусида риёзат чекиш бугун қанчалар ўринли ва аҳамиятли?!.

2-3

## ТЎРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Боку шаҳрида 14 октябрь кўни Тўркий тилли давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов, Озарбайжон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Элмор Мамедъяров, Туркия ташқи ишлар вазирлиги Мевлют Чошўлуғли, Қирғизистон ташқи ишлар вазирлиги Чингиз Айдарбеков, Қозоғистон ташқи ишлар вазирлиги Мухтор Тлеуберди иштирок этди.

Мажлисида, шунингдек, Тўркий кенгаш бош котиби Бағдод Амреев, Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазирлиги Петер Сийярто қатнашди.

Озарбайжон ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон делегациясини мамлакатимиз ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилгани билан қўтлади. Ўзбекистон иштирокида Тўркий кенгаш ҳам ҳудуд, ҳам салоҳият жиҳатидан нуфузи янада ортиб, халқаро майдонда йирик платформага айлангани таъкидланди.

Шундан сўнг ташқи ишлар вазирлари Тўркий кенгаш саммитида давлат раҳбарлари томонидан кўриб чиқилган масалаларни муҳокама қилди. Жумладан, Тўркий кенгаш еттинчи саммити декларацияси, Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиб киришига оид Тўркий кенгаш давлат раҳбарларининг қўшма баёноти, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоевга Тўркий кенгашнинг фахрий раиси мақомини беришга оид қарор ва бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Мажлис сўнггида бу борадаги ҳужжатлар имзоланди.

Шу кўни Боку шаҳрида Тўркий тилли давлатлар бизнес-форуми бўлиб ўтди. Тўркий тилли давлатлар савдо-саноат палаталари уюшмаси томонидан ташкил этилган форумда Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркия, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Венгриядан масъул вазирлик ва идоралар, савдо-саноат палаталари раҳбарлари, Тўркий кенгашига аъзо давлатлар ишбилармон доираларининг 600 га яқин вакиллари иштирок этди.

Дастлаб жорий йил 5 октябрда Тошкентда ўтган Тўркий тилли давлатлар ишбилармонлар кенгаши бизнес-форуми ва Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий салоҳиятига бағишланган видеоролик тақдими бўлиб ўтди.

Бизнес-форумда Тўркий кенгашига аъзо мамлакатлар иқтисодий, инвестиция ва савдо вазирларининг тўркий тилли давлатларда савдо-иқтисодий, ишбилармонлик алоқаларини янада ривожлантириш, савдо, саноат ва тадбиркорлик соҳаларида икки ва кўп томонлама шерикликни мустаҳкамлаш масалалари бўйича маърузалари тингланган.

Тўркий тилли давлатлар савдо-саноат палаталари уюшмаси аъзо давлатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорликни, жумладан, савдо, инвестиция, транспорт, энергетика, туризм, маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтиришда Тўркий кенгашига кўмаклашувчи самарали платформа экани таъкидланди.

Бугунги кўнда Тўркий тилли давлатлар савдо-саноат палаталари уюшмасига Озарбайжон, Туркия, Қирғизистон, Қозоғистон савдо-саноат палаталари аъзо, Венгрия савдо-саноат палатаси кузатувчи мақомига эга. Тошкентдаги бизнес-форумда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тўркий тилли давлатлар савдо-саноат палаталари уюшмасига аъзо бўлиб кириши масаласи муҳокама қилинган эди.

Бокудаги анжуманда мазкур масала якуний босқичда кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тўркий тилли давлатлар савдо-саноат палаталари уюшмасига аъзо бўлиб киришига доир баённома имзоланди. Бундан ташқари, «Узэвтосаноат» акциядорлик жамияти, «Узэлтехсаноат», «Узчармпойабзал» уюшмалари ва бошқа тармоқларга қарашли корхоналар Озарбайжон томони билан қатор истиқболли келишувларга эришди.

Бизнес-форум доирасида, шунингдек, Тўркий тилли давлатлар савдо-саноат палаталари уюшмаси фаолиятига доир ҳужжатлар қабул қилинди.

Тадбир доирасида тўркий тилли давлатлар ишбилармон доираларининг «B2B» шаклидаги учрашувлари ҳам бўлиб ўтди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, ЎЗА махсус мухбири



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 9 октябрда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, 11 октябрь кўни Сенат томонидан маъқулланган «Ўзбекистон Республикасининг Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картагена протоколига қўшилиши тўғрисида»ги Қонунни имзолади.

Вазирлар Маъжамасининг «Дон, ун ва нон етказиб бериш тизимига бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

2019 йил 14 октябрь кўни Сенатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоевнинг Европа тиклашиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Алкис Дракинос билан учрашуви бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Сербия пойтахти Белградда Парламентлараро иттифоқнинг 141-Ассамблеясида иштирок этмоқда.

Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикаси суверен кредит рейтингига ўзининг навбатдаги шарҳини эълон қилди. Унга кўра, мамлакат суверен кредит рейтингини «BB-» («Барқарор») даражасида сақлаб қолган.

mf.uz

>>>1

**1**

Қатагон даври қурбони бўлган буюк жадидчи бобомиз Абдурауф Фитрат «Эй улугъ Турон, арслонлар улқаси! Сенга не бўлди? Эй, Чингизларнинг, Темурларнинг, Ҳузларнинг, Отилларнинг шонли бешикларини! Қани у чиқдигин юксак ўринлар?»... дея ўқинганда, шу мўътабар тупроқ эрки учун ширин жонини тикканда неларни ўйлаган, кўзидаги қонли ёш билан не ўринларни ида-да қилган?! У бундайн журъатни қайдан олган, қалбидаги чўнг оташнинг оти не?.. Аслини олганда, ватанпарварлик, миллий эътибор ва туйғулар бизга бегона эмас. Мўътабар заминимиз Алп Эр Тўнга, Тўмарис, Широк, Жалолидин Мангуберди, Амир Темурдек минглаб буюк ватанпарвар фарзандлари билан тарих саҳнида ўз ўрнини топгани бунга бир мисолдир. Дунё аҳлини лол қолдирадиган буюк ўтмишимиз, маданият ва санъатимиз, қадрият-у аъёнларимиз шу улугъ аждодларимиз закоси меваси, аслида.

Хўш, инсоният тўлиқ тараққиётга эришган, дея идадо этилаётган, барча қадриятларга умуминсоний нуқтаи назардан фаво беришга уринилаётган бугунги кунда БАТАН ва МИЛЛАТ тушунчаларининг ўрни қаерда бўлиши керак?! Куйидаги мулоҳазаларимиз шулар хусусида...

**2**

Дарвоқе, бу жабҳада бир нарсага ойдинлик киритиб олиш керакки, бу тақрибан шундай: янгилаётган Ўзбекистон замонавий ҳамжамиятга ўз миллий қиёфаси билан юз тута оладими, умуман, маданиятлар қоришиб кетаётган бугунги глобал дунёда мафқуранинг ўзи керакми? Умумий тараққиётимизда мафқуранинг ўрни қандай? Зиёлилар, раҳбарлар, оддий одамлар учун миллий мафқура нима? Мамлакатимизда миллий мафқура шакллантириш ва тарғиб этиш сиёсати мавжудми?..

Бу саволлар моҳият-эътибори билан 130 йил қарамликда бўлган миллий тафаккуримизни «кутқаришда» муҳим аҳамият касб этади. Тан олиш керакки, кечаётган 30 йилга яқин вақт ичида жамият «сийрати»нинг ўзгариши қийин кечди. Бу бир томондан ўтиш давридаги маҳдудлик билан баҳоланса, иккинчидан, давлатнинг ўзи жамиятнинг миллийлашувидан чўчиди, уни кескин назоратда ушлаб турди. Бугунги Ўзбекистон ҳукумати ҳаракатлари эса бу борада қозилликни эмас, мазкур ижтимоий жараёнга рағбатни назарда тутди. Зотан, жамиятни ҳукуматнинг сиёсий майлларига қараб эмас, балки миллий аъёнлар ва тарихий ўзликка мос тарзда модернизациялаш қўзланаётган мақсад – давлатнинг миллий қиёфасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.



**Ўрни келганда шуни қайд этиш керакки, Япония бошланғич таълимида ўқиш билан бирдек миллий тарбия масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилади. Яъни япон болалари овқатланиш маданияти, кийиниш ва саломлашиш-у миллий тил ва қадриятларга ҳурмат кўникмасини мурғаклигидаёқ онгига синдиради. Буни давлат ўз зиммасига олган. Шунинг учун ҳам японлар миллийлик жиҳатдан беқиёс бир миллатдир.**

Шу нарса бугун аниқ кўриндики, боя айтганимиздек, ортда қолган чорак асрдан охиқ вақт давомида ҳам биз тўлиқ миллийлаша олмабиз. Бу феномен, энг аввало, тафаккуримизда кўриниб турибди. Мен умримнинг кўп қисмини мафқуравий соҳада ўтказганим учун гоа, айниқса, миллий ғоянинг жамият ҳаётига таъсирини чуқурроқ ҳис этман. Шу маънода, бугун Президентимиз деярли ҳар бир йиғилишда, жойлардаги учрашувларда миллий ғоя, ватанпарварлик ҳақида тўқинланиб гапирганида, зарур топшириқлар берганида, бу борада одамларга куйиниб мурожаат қилганида, унинг қиёфасида бир ватанпарвар инсон сиймосини кўраман. Юртпарварки, битмас ерости ва усти бойликларига, меҳнаткаш ва фидойи халққа, саҳий табиатга эга юртнинг абгор аҳволидан кўнгли ўксик, бироқ кўзларида ўт қақнаган чин Ватан ўғли...

Бу жараёнлар, муаррихлар тили билан айтганда, тарихий заруратдир. Негаки, «оққан дарё оқиди» деганидек, дарё ўз ўзига қайтиши адолатдан эди. Зотан, ўзингиз ўйланг, тарихда ўнлаб салтанатлар тузган, жаҳонга минглаб алломалар берган, зимистон даврларда инсоният тамаддуни ғилдирагани ҳидоят сари бошлаган, ўз ақл машъали билан кишилик жамияти йўлини ёритган миллат шу ўринга муносибиди? Эҳтимол, Фитрат дунёнинг мана шу адолатсизлигига қарши исён қилгандир? Унинг Ватан ва миллат севгисига тўла юрагини шу оташ куйдиргандир?.. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, бугун энди яширишнинг ҳолатиям, иложиям қолмаган бир ҳақиқат – биз ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий параметрларда дунёда анча куйида эканимизни тан оладиган вақт келди. Нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки маданий-маърифий соҳада ҳам сафларнинг сўнггида эканмиз.

Лекин қулгили ҳолат шундаки, узоқ йиллар шуни гўё яширдик, ёлгон рақамларга қарасак чалдик. Оқибатини эса бугун кўриб турибмиз...

...Миллий тафаккурнинг шаклланиши моҳият-эътибори билан озодликни кўлга киритиш билан баробардир. Зотан, шахс ўзлигини англамас экан, у мустабидир. Бугунги жамиятимиздаги оғриқ эса онгимиздаги мана шу турғун «инстинкт» билан кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу кўпроқ катта авлод ҳаракатларида кўзга ташланади. Тил, тарих, миллий қадриятлар, маданият ва санъатимизга бўлаётган нописандликни кўпчилик ҳолларда биз, катталар болаларимизга «юктиряпмиз». Деярли кўпчилигимиз ҳалиям «советча» маданиятимиз билан фарзандларимизга ўрнак бўлмоқчи бўламиз. Кўп масалаларда улар билан чиқишолмай-миз.

Яқинда бир танишим набираси паспорт олаётиб, шарифдаги бир-икки ҳарфни ўзгартириб, яъни фамилиясини «Яркулов» ўрнига «Еркулов» деб тўғрилаб келганига хуноб бўлиб, бугунги ёшлар қулоқсиз бўлиб кетди, дея жиддий зорланди. Аслини олганда эса, бизнинг миллий ўзандан узоқлашувимиз айнан мана шундай майда деталларда зуқур бўлади. Биз шундай «тарбияландик-ки», ота-боболаримизнинг исмидан уяладиган бўлдик. Она тилимизда гапириб маданиятсизлик белгисидек туюла бошлади. Ҳолбуки, Тил – миллатнинг жони, томирда оқаётган қонидир. Усиз ҳеч бир миллат баркамол эмас. Мана, маърифатпарвар бобомиз Алихонтўра Соғуний бу ҳақда нима деган эди: «Арабча, форсийчаларни ёзиш-сўзлашгани эмас, балки бу икки тилда китоб ёзиш, шеър айтиш қобилияти менда бўлса ҳам, ўз туркий она тилимни бошқа тиллардан ортиқроқ кўрдим. Чунки, қайси бир миллатнинг она тили ўз ҳолатини ўтаёлмай, бошқа ёт тиллар олдида мағлубиятга учраб тиз букар экан, ундай миллат кўп узоқламай, инсоний туйғуларидан ажраган ҳолда ҳаёт дафтари устига инқироз қалами чекилиши шубҳасиздир. Ундай миллатлар ёлғизгина Ватанларидан эмас, балки бутун борлиғи билан тарих юзидан йўқолишга мажбур бўлади».

Тарихнинг гувоҳлик беришича, ҳар бир истило халқ хотирасида ўнганмас асорат қолдиради. Ҳозирги авлод буни оқлошмо истилоси, айниқса, шўро сиёсати, коммунистик мафқура зулми мисолида яққол кўриши мумкин. Албатта, ўтган тарихий силсилалар миллий ўзлимизга етказган зиён ва тушунчалар юқорида айтганимиздек, ҳамон онг остида яшаб келаётир. Ҳалиям м и л л а т н и н г қони тоза, иймони саломат эканки, мудом аслини сақлаб келди. Ҳолбуки, тарихда қандадан-қанча халқлар тилларини йўқотибгина қолмай, ўзи ҳам йўқ бўлиб кетган. Бунга бир мисол. Ҳазар (бугунги Каспий) денгизи бўйида

қадимда Ҳазар салтанати бўлган. Ундан бугун урвоқ ҳам қолган эмас. Биласиз, лотин тили ўз замонида кўплаб тамаддунга бешиқ бўлган. Қани у ҳозир? Уларни емирган бегона маданиятлар, ёт урф-одат, яъни экспансион мафқуралар. Бугун тобора глобаллашиб бораётган, биздан фарзандларимизни тортиб олишга уринаётган дунёда бир миллат сифатида ўзлимизни, ота-боболаримиз тутган тутумни сақлаб қолишга

ҳам руҳан, ҳам маънан тайёрмизми?! Етти ёт мафқуравий тазйиқларга қарши қандай чоралар қўлламоғимиз керак?

Шу маънода гапирадиган бўлсак, миллий ғоя ва мафқура бугун сув ва ҳаводек зарур. Энг аввало, ТАЪЛИМ ТИЗИМИни миллийлаштириш, соҳага янги услублар жорий этиш кечиктириб бўлмас масаладир. Таълим-тарбияда эҳтиёткорлик, бузғунчи ва вайронкор ғоялардан болаларимизни асраш эртанги порлоқ кунимиз гарови эканини унутмаслигимиз керак. Зотан, боланинг тафаккури боғча ва мактабда шаклланади. Шу ерда у Ватан, Миллат деган туйғуларни қалбига синдиради. Демак, мактабга таълим тизимида миллий методика яратишимиз керак бўлади. Бу бизда ҳозиргача йўқ. У нима дегани? Бу аввало, тизимни тамомла миллийлаштириш, боғчаларимиздаги тарбияни миллийлаштириш деганидир. Фарзандларимиз боғчада халқ эртаклари, дostonларимиз қаҳрамонлари жасоратлари ва халқ оғзаки ижоди намуналари, миллий мусиқа ва қўшиқларимиз жозибасидан баҳраманд бўлиб улғайса, ўзбекча салом-алик, муомала маданиятини ўрганса, ўйлаймизки, бизни бугун қийнаётган муаммоларга ўрин қолмайди. Қолаверса, «оила инқирози» хатарга айланган бугунги замонда бу янада муҳимроқ аҳамият касб этади. Акс ҳолда, бугун қўлидаги телефондан бош кўтармай, мурғак болага «сволоч» деб ўшқирадиган боғча оладан фарзандимиз нима ўрганади? Бундай тарбияси тарбия бизни қаёққа олиб боради?!

Ўрни келганда шуни қайд этиш керакки, Япония бошланғич таълимида ўқиш би-

лим олмоқда, хориж ўқув юртлари мамлакатимизда шўбаларини очмоқда. Бу замон талаби, албатта. Лекин ижтимоий тармоқларни қузатган одам, мамлакатда таълим тизимига ўзга давлатлар ўқув муассасаларининг кириб келиши миллий кайфиятдаги зиёлиларга хуш келмаётганини дарров пайқайди. Улар бир жиҳатдан ҳақдир. Негаки, бунда мамлакатда чет тилида дарс ўтилса, хорижий забон орқали ўзга жамиятлар мафқураси кириб келади ва охир-оқибат маънавий мустақиллигимиз яна хавф остида қолади, деган ҳадик бор. Албатта, тил ўрганиш шарт. Ривожланган



Қудратилла РАФИҚОВ, СИЁСАТШУНОС

# ИЛК ВА СЎНГГИ

лан бирдек миллий тарбия масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилади. Яъни япон болалари овқатланиш маданияти, кийиниш ва саломлашиш-у миллий тил ва қадриятларга ҳурмат кўникмасини мурғаклигидаёқ онгига синдиради. Буни давлат ўз зиммасига олган. Шунинг учун ҳам японлар миллийлик жиҳатдан беқиёс бир миллатдир.

Халқ таълимида ҳам узоқ йиллардан буён фақат гапирлиб, аммо амалга ошириш қийин, кечаётган муаммолар себобига Хусусан, мактаблар таълим дастурини тўлиқ қайта кўриш, бу борада махсус ҳукумат комиссияси ташкил этиш бугун муҳимдир. Дарсликлар савияси, сифати ва мазмун-моҳияти кескин ислоҳга муҳтож. Айниқса, болаларимизга ўқитилаётган тарих, она тили ва адабиёт китоблари мундарижаси ва дарс соатларини ўйлаб кўриш, хусусан, адабиёт дарсликларини қадимги туркий халқлар оғзаки ижоди ва фольклори, ёзма адабиёти намуналари билан янада бойитиш, туркий халқлар тарихини, тилини изчил ўргатиш лозим. Негаки, аждодларимиз шу заминда палак ёйган. Бизнинг чин тарихимиз умумтуркийлар тарихидир. Ачинарлиси, мактаб дарсликлари совет даври педагогикаси методологиясидан тўлиқ воз кеча олгани йўқ.

Ваҳоланки, бу методологиянинг бош мақсади миллийликдан бегоналаштириш эди. Миллий тарбияни шакллантириш ва таълимни миллийлаштириш биз, катта авлоддан фарзандларимизга «юққан» советча тафаккури эмиради, миллий онг шаклланишида етакчи омил бўлади. Болаларимиз қалбига қадим миллиятимиз тарихига фахр-ифтихор уйғотади.

Лекин бугун, замон шундайки, глобал дунёда маданиятлар қоришуви юз бермоқда. Болаларимиз чет элларда таъ-

давлатлар таълим тажрибасини ҳам. Лекин булар бизнинг тилимиз ва миллий ўзлигимизга таъсир этмаслиғи керак.

**3**

Президентимизнинг бугун куйиб-пишиб ватанпарварлик ва миллий ғоя ҳақида гапирлиши беҳиж эмас. Чунки мустақил бўлганимизга қарийб 30 йилга яқин вақт бўлаётирки, миллий масаланинг кўпгина жабҳаларида ҳали ҳамон аниқ қароримиз йўқ. Масалан, тарих, тил ва имло, этник луғат, олий таълим-у маориф соҳаларидаги беқарорлик ҳамда эскича тутум, давлат ва жамият бўғинларида, илм-фан ва сиёсатда хорижий тилдан фойдаланишимиз маънан тўлиқ мустақил бўла олмаганлигимизни кўрсатиб турибди. Истиқлолнинг илк йилларида бошланган миллийчиликдаги ислохотлар бошқаларига ўхшаб шундоқ қолиб кетган.

Сўзимиз бошида кўндаланг куйилган саволларга жавобан шуни айтмамизки, жамиятни ривожлантириш ва давлатни мустақамлашда миллий ғоянинг ўрни беқиёс. Зотан, бугун энг қудратли, дея эътироф этиладиган АҚШ, Англия, Германия, Хитой, Россия, Туркия, Япония каби давлатлар сиёсати ҳам миллий ғоя устига қурилган. Шу маънода, Президентимиз бугун энг глобал даражага олиб чиқаётган ватанпарварлик ва миллий мафқура масаласи халқимиз учун ҳаёт-мамот масаласидир. Бу борада, энг аввало, юқорида эслаганимиздек, таълим соҳаси ва она тилимизга бўлган муносабатимизни қайта кўришимиз керак бўлади. Зотан, ватанпарварлик ҳам миллатни севиш кўникмаси, аввало, оиладан, мактабдан, қолаверса, биз ҳар кун муомала қиладиган тилдан озик олади. Миллий тил мафқуранинг муҳим асоси экан,


демак, бу борадаги ҳаракатларни жадаллаштиришимиз керак бўлади. Бунинг учун ҳукуматимиз барча жабҳаларда давлат тилини кўллаб-қувватлаши, унинг том маънода давлат тилига айланиши учун зарур чоралар қўллаши керак.

Кўпинча ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан ҳукуматга нега чиқарилаётган қарор ва ҳужжатлар рус тилида тайёрланиб, кейин ўзбек тилига ўгирилади, деганга ўхшаш ҳақли саволлар берилади. Бунинг икки сабаби бор, назаримда. Биринчидан, бу ўша ҳужжатларни тайёрлаётган мутахассисларнинг ўзбек тилида иш юритишда етарли малакаси йўқлиги билан баҳоланса, иккинчидан, бизда мустақилликдан кейин тилнинг ислоҳ қилинмагани билан боғлиқ. Зотан, совет замонида яратилган ўзбек адабий тили бугунги миллий тараққиётимиз билан ҳамохан эмас. Бунинг маънавий ҳаётимиздаги асоратларини аллақачонлар сезиб улгурдик. Хусусан, адабий тил меъёрларининг қатъийлашмагани, бир бутун халқ сўзлашув тилини қамраб олмагани жамиятда «қўповозликка», шева-ларга йўл очиб берди. Бу эса нафақат давлат иш юритишда, балки кино ва театрда, санъатда советча «жаргон» сўзларнинг тегирмонига сув қўймоқда. Миллий тилимиз ривожлантирилган, техника асри «уммон» ўзанларидан узоқда қолиб кетди. Бизда бугунгача ҳуқуқий ёки иқтисодий миллий терминология яратилган эмас. Шунинг учун ҳам оддий одамлар чиқарилаётган ҳужжат ва қарорларнинг «тилини тушунолмай хуноб бўлишди. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, бугун замонавий мавзуларда соф ўзбекча суҳбат қуришнинг имкони бўлмай

қолди. Эҳтимол, шунинг учун тилимизда ажнабий сўзлар миқдори кескин ошиб кетди.

Эътибор қилинг, бугунги ёшлар гаплашаётган ўзбекча билан катта авлод гурунглашаётган она тилимиз орасидаги фарқ хийла кенгайган. Бундай жиддий сабаблар тил билан боғлиқ сиёсатимизни қайта кўришимизни тақозо этади, албатта. Қолаверса, давлат тилининг софлигини сақлашда, унинг амалда ижросини таъминлашда фуқароларимиз, жамоатчилик ҳам фаол бўлмоғи керак. Ўзингиз ўйланг, олис Зафарободнинг чекка бир овулида иш юритаётган ошонна пештоқиға «Мы открылись!» деган ёзувни илиб кўйиш кимга керак?! Бу овулда ўрс тилини билладиган мардумнинг ўзи бўлмаса, айниқса! Таассуфки, мана шундай бепарволик, тилимизга белисандлик бугун замонавийлик белгиси тусини олган.

Гап кўчадаги реклама ёзувлари, эълонлар-у ёрлиқлар ҳамда безаклар ҳақида кетар экан, бу борада яна талай нуқсонларимиз кўзга ташланади. Шаҳарларимиз бадиий-маънавий ландшафтини яратишда бу ишга жавобгар бўлган ташкилотлар, хусусан, ҳокимликлар, Маданият вазирлиги ва Бадиий академиянинг иштироки умуман сезилмайди. Кейинги вақтларда кентларимиз кўча ва хиёбонларини бизнинг руҳиятимизга бегона бўлган европача безаклар эгаллади. Биргина кейинги йилда пойтахт кўчалари Фарб сорреализм ва авангард санъатига тақлидан қилинган иллюстрацияларга тўлиб кетди (Аслида, бу барча катта шаҳарларимизга хос ҳолат). Бу, аслида миллий руҳиятга таҳдиддир. Қолаверса, чет эллик сайёҳлар юртимизга Шарқ тароватини, ўзбек халқи табиатини билиш ва ундан баҳра олиш учун келади. Шу маънода, мазкур идоралар миллий орнамент



(нақш-у нигор)лар коллекциясини яратиши ва бунинг бутун мамлакат бўйлаб унификация қилинишини таъминлаши керакки, юртимизга келган меҳмонлар халқимиз тарихи, санъати, маданияти бебаҳолигини кўрсин, миллатимизнинг буюк ўтмишидан баҳраманд бўлсин!..

Миллий мафкура аслида мана шундай миллатнинг ўзлигини ифода этувчи элементлар устига қурилса, у том маънода, миллий бўлади. Аксинча, у мавсумийдир. Мафкурачиларимиз юрагимизга 25 йил кутку солиб келишдики, матбуотни эркин қўйса ундоқ бўладур, мундоқ бўладур, миллиятга урғу берсак бошқалар ўқинишади, жамиятда кутбланиш бошланади, деб. Президент Шавкат Мирзиёев ишга киришганидан ОАВ йўлидаги тўсиқни олди, нима бўлди?! Тўғри, бугун ижтимоий тармоқлардаги талотўплар, ахлоқсиз матнлар, андишасизлик – бу бор гап. Лекин бунга ким айбдор? Йигирма беш йил жамиятнинг оғзини бекитиб келган ўзимиз эмасми? Тўғон олинган, албатта, лойқа оқади. Унинг тиши учун эса вақт керак бўлади. Миллият масаласи ҳам шундай. Биз ҳалигача жаҳидчиларимизни гапиришдан чекланамиз, тарихий шахсларнинг кўпидан бегонасираймиз, ўтмишимиздаги бутун бошли даврларни эсламаймиз. Масалан, яқинда мактаб ёшидаги бир неварам «босмачи дегани нима,

Биз ҳанузгача нимадан кўрқамиз? Ким бизнинг қўлимизни ушлаб турибди? Шу ўринда бир мулоҳаза. Яқинда ижтимоий тармоқларда Япония ташқи ишлар маҳкамаси мулозимнинг расмий баёноти тарқади. Унда мулозим жаҳон жамоатчилигини япон исм-шарифларини тўғри ёзиш ва талаффуз этишга даъват этган. Бу ватанпарварлик эмасми?! Бизда-чи, биз ҳали-ҳамон ўзимизнинг қотма қарашларимиздан воз кечганимиз йўқ. Набирамиз бузилиб, маъносини йўқотиб кетган шарифи-

миз гапириб қолди. Пойтахтда барпо этилаётган Тошкент Сити мажмуасидаги турар-жойларнинг катта қисмини хорихда ўқийётган, ишлаётган ёшларимиз харид қилиб бўлибди. Тўғри қилишади. Улар замонавий дунёни кўришди, одам бугун қандай яшаши кераклигини англашди, пули борми, қаддини уришсин. Улар ўзларининг болалиги ўтган тор, биқик «хрущёвка»ларда яшашни ор билишмоқда... Замон ўзгармоқда, дунё ҳам, одамлар ҳам ўзгармоқда... Мамлакатда қадам олган бунёдкорликнинг

сабаби аслида шу. Шаҳарларимиз кўрки, одамларимиз турмушини замонавий дунё талабларига мослаш.

Яқинда иш юзасидан япониялик меҳмонлар билан учрашишга тўғри келди. Гап орасида пойтахтимиз ҳақида сўрадим. Улардан бири

...Миллий тафаккурнинг шаклланиши моҳият-эътибори билан озодликни қўлга киритиш билан баробардир. Зотан, шахс ўзлигини англамас экан, у мустабиддир. Бугунги жамиятимиздаги оғрик эса онгимиздаги мана шу турғун «инстинкт» билан кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу кўпроқ катта авлод ҳаракатларида кўзга ташланади. Тил, тарих, миллий қадриятлар, маданият ва санъатимизга бўлаётган нописандликни кўпчилик ҳолларда биз, катталар болаларимизга «юктиряпмиз». Деярли кўпчилигимиз ҳалиям «советча» маданиятимиз билан фарзандларимизга ўрнатқан бўлмоқчи бўламиз. Кўп масалаларда улар билан чиқишолмаймиз.

мизни тўғрилаб келса, ёшлар қулоқсиз бўлиб кетди, дея жимитдек бола билан ётиб олиб ёқалашамиз. Бу жоҳилликдан бошқа яна нима?..

Албатта, ватанпарварлик мафкурачи дўстларимизнинг юртпарварлик ҳақидаги доғматик семинарлари, шоирларнинг шеърлари орқалигина шаклланади десак, унчалик тўғри бўлмайди. Бу туйғу оёқланиши учун аниқ ҳаракатлар, ислохотлар керак бўлади. Буюк соҳибқирон Амир Те-

Тошкентимиз ҳақида гапира туриб, шаҳрингиз катта қишлоққа ўхшаркан, деганда, очиги, аччиғим чиқди. Бироқ бу ҳақиқат эди. Тошкентни уноқда тепадан кузатсангиз ўтган асрнинг 70-йиллари совет меъморчилиги ландшафтига кўзингиз тушади. 30 йилга яқин мустақиллик, 20 йиллик учинчи минг йиллик даври ҳам шаҳримизни ўзгартира олмади. Қандай бўлса шундай, худди тош қотгандай. Буни кимдир ўзгартариши керакми, керак! Бугун шу иш амалга оши-



асарида Вавилонни вайрон қилган Кир Тўмариснинг Ватанига ҳужум қилганини ва унинг қаҳрига учраб, ҳалок бўлганини алоҳида таъкидлайди.

Айниқса, мўғул босқини ўзининг ваҳшийлиги билан юракни ларзага солган. Одам авлоди шундай қутуриши мумкин эканига ишонинг келмайди. Бир мисол: «Бўжи келди» деса, ҳамон болалар чўчиб кетади. Унинг кўркинч тўла золимлиги ҳамон қонимизда яшаб келади. Аммо, Жалолиддин Мангуберди бу ёвуз кучга қарши чиқиб, унинг додини берган.

Босқинчилар 1221 йил декабрида Синд дарёси бўйида султон Жалолидинни қуршаб олди. Баҳодирнинг лашкари оз миқдорда эди. Аммо, у ёв билан охиригача жанг қилади. «Қай томонга от сурмасин, тупроқни қора қонга белар эди», деб ёзади Мирзо Улуғбек «Тўрт улус тарихи»да. Баҳодирнинг мислсиз матонати ва жасорати олдида Чингизхон ожиз қолади. Ахийри, Жалолиддин қуршовни ёриб чиқиб, азим дарёнинг у соҳилига кечиб ўтади. Шунда айтган Чингизхон «Дунё дунё бўлиб, отадан бундай ўғил туғилган эмас», деб...

Бу – тарих!  
Амир Темуэр эл-улусни мўғул истилосидан ҳалос этиб, одил ва беқиём салтанат тузгани, салоҳиятли ҳарбий мактаб яратгани, бутун бир Уйғонни бошлаб бергани, шунингдек, Европа тамаддунига йўл очгани ҳам жаҳон муаррихлари томонидан бирдек эътироф этилади.

Абу Али Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» XII асрда Европа тилларига таржима қилинганини, университетларда таъбаот илми беш юз йил давомида шу китоб асосида ўқитилганини ким инкор эта олади?

Хилда Хўқхэм «Етти иқлим соҳиб» китобида ёзишча, Британияда XVII асрда Қиролнинг биринчи мунажжими иш бошлаган. У Мирзо Улуғбекнинг «Зижи Қўрагоний» асарига таянган ҳолда тадқиқот олиб борган...

Бундай мисоллар кўпдан-кўп.  
Форобий, Беруний, Хоразмий заковати ўша замондаёқ бутун бир оламга ёруғлик улашган. Ёки бўлмаса, Ислом оламининг устунлари бўлган Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд За-

махшарий, Баҳоуддин Нақшбандийни эсга олайлик. Бу ёқда – Термизий, Мотурудий, Марғинойий... Шоирлар султони ҳазрат Навоий...

Бу мўътабар сиймолар кишилик жамияти бешигини тебратиб, тарих ғилдирагини тўғри йўлга солиш учун дунё юзини кўрган десак, ҳўш, бунимиз рад эта олади?!

Сиз бир эътибор қилинг: XX асрнинг кўзга кўринган сиёсатшуноси Збигнев Бжезинский йигирманчи асрнинг саксонинчи йиллари охирида минтақадаги вазиятга баҳо беришда «Ўзбекистоннинг мустақиллиги ўрта Осиёдаги бошқа давлатларнинг яшаб кетмоғи учун жуда катта аҳамиятга эга», дея таъкидлаган. Албатта, олим бу ўринда, нафақат геосиёсий жойлашувимиз, балки, энг аввало, меҳнаткаш ва заковатли халқимиз маърифий ва илмий салоҳиятини ҳам ҳисобга олгани шубҳасиз.

Яқиндагина мамлакатимиз Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди. Бугун Боку шаҳрида бўлиб ўтаётган мазкур кенгашнинг олий даражадаги учрашуви азалий биродар халқларнинг раванқий йўлида ривожланаётган анъанавий дўстлик, кенг қамровли ва узоқ муддатли ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳисса қўшадиган тарихий воқеадир. У мамлакатимизнинг нафақат ташқи, балки ички сиёсатида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки миллат қаддини тиклашда бу каби оқилона саъй-ҳаракатларнинг ўрни беккиёс.

Бу қадам, айтиш мумкинки, Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очди. Орадан қарийб 30 йилга яқин вақт ўтиб мамлакат бир миллий давлат ўлароқ миллат юзига коммунистлар ташлаган пардани йиртди – ўзлигини баралла ифода этди, биз туркий халқимиз, дея тан олди. Бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас, албатта. Бунинг учун одамда жуда катта сиёсий ирода, метин қатъият ва миллатга чексиз муҳаббат керак бўлади. Биз бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев сиймосида шу сифатларни кўрдик ва дилимизда бундан ифтихор туйдик.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ҳар бир қаричи бир азиз авлиё, бир улуг аллома ёки Тўмарис-у Широқдай бир ёвқур ватанпарварнинг хоки покони фидойилик, ватанпарварлик, Ватан манфаатларини барчасидан афзал билиш талаб этилади. Шу маънода халқимиз тарихий бурилиш палласини бошдан кечирмоқда. У дилимиз, тилимиз, бажараётган ишимизда бўй кўрсатади.

Биз ана шу ғояларни чуқур англамасак, энг муҳими, амалий ҳаракатимизда намоён қилосакки Ватанга содиқ фарзанд бўлишимиз мумкин. Ватан эса Она сингари азиз ва танҳодир. У бизнинг илк ва сўнгги айтар сўзимиздир!

# СЎЗИМИЗ: ВАТАН!



боболаримиз босмачи бўлганми?», деб сўраб қолди. Очиги, унга жўяли жавоб беролмадим. Чунки ўзимда ҳам бу борада тугал илмий фикр йўқ эди. Кейин ўйлаб кўрсам, нафақат менда, балки жамиятимизда ҳам бу давр борасида тўғри қараш шаклланимаган ёки шакллантирилмаган экан.

Бундай мисолларни, афсуски, яна кўп келтириш мумкин. Айниқса, тарихимизга бўлган муносабатимиз борасида. «Халқнинг миллий туйғулари уйғониб кетади, миллат жунбушга келади», деган сиёсий ташхислар совет мафкурачилариники эди. Озод бўлганимизга 30 йилга яқин вақт бўлаётир. Ҳеч бўлмаса энди уйғонишимиз керак, ҳурматли мафкурачилар! Бу ёқда дунё ҳам, одамлар ҳам ўзгариб кетди. Миллиятга йўл берсак «иқлим» ўзгариб кетади деб бир-биримизни алдашни бас қилайлик.

Мана, яқиндаги йўғилишда Президентимизнинг ўзлари Миллий ғояни шакллантирайлик, болаларимиз миллий руҳда камол топсин, Президент мактабида ўқиётган фарзандларимиз давлат тилини билишлари шарт, шундагина биз ривожланамиз, юксакликка эришамиз, деди ва бунга барчани жалб қилди. Нима ёмон гап бўлди, ким бундан норизо бўлди? Қайтанга халқимиз тилимизнинг Президент томонидан ҳимояга олинганидан кўнгли шод бўлди. Бу ишлар жамиятга янгича руҳ бағишлади. Бундай қараш, юқорида айтганимиздек, эскича, «коммунистча» фикрлаш меваси, аслида. Бугун кўпчилигимиз миллият ҳақида, ватанпарварлик ҳақида оғиз кўпиртириб гапираемиз-у ортидан эҳтиёткорлик билан биз толерант давлатимиз ёки ватанимиз кўпмиллатли, деб қўшиб кўямиз. Кўп жаҳаларда эски ақидалардан улғу олишга тиришамиз. Кўпмиллатли советлар давлати тугаб кетганига 30 йил бўлаётганини эсимиздан чиқарамиз, айти дамда миллий ва суверен давлат эканимизни унутамиз. Эътибор қилинг: Японияда қанча миллат вакиллари яшашиди, Хитойда-чи, Германияда, Кореяда, Туркияда-чи? Улар кўпмиллатли эмасми? Лекин шулардан қайси бири, масалан, кўпмиллатли Хитой давлати, кўпмиллатли Корея дейди? Аксинча, улар Тўрт халқи ёхуд биз – японлар дейишади-ку!

мур миллати буюклигини юрт ободлигида, салтанат қудратида, деб билган эди. У шу маънода «...Бизнинг буюклигимизга шубҳа қилсангиз, қурган иморатларимизга боқинг» деганида мутлақ ҳақ эди. Зотан, одам боласи табиатдан озодликка, қудрат касб этувчи бир фурурга ташна бўлади. Бундай соҳир туйғу эса эл бунёдкорлигида, Ватан раванқида тетапоқ қилади.

4  
Ўтган даврга хулоса бериш тарихнинг иши. Лекин биз бугунни «зийнатлаш» учун кечаги кунимизни бўралаб сўқишни одат қилганмиз. Шундай қилсак гўё «тепа»га кўпроқ ёқамиз, фикримиз залворлироқ чиқадим... Лекин эътибор беринг, замон ўзгарди, эндиги ўзгариш-у ислохотлар қарсакбозлиг-у мадҳиябозлигимизга муҳтож эмас. У тиланчи эмас, иззатпараст эмас, тақаббур эмас. Мен бир республика ташкилотчи раҳбари, бугунги сиёсий жараёнларга аралашиб юрган одам сифатида шу пайтгача ҳукуматдан ёки бирор масъул шахсдан фалон жойдаги ўзгаришлар, қилинаётган курилиш-у бунёдкорликлар ҳақида газеталарда материаллар, телевизорда кўрсатув бериш керак, деган топшириқ берилганини эслай олмайман. Аксинча, жараёндаги камчиликлар матбуот орқали ҳам, ижтимоий тармоқлардаям танқид қилинмоқда, лекин ҳеч ким ҳеч кимдан «сиёсий айб» қидираётгани, жазолаётгани йўқ, ҳозиргача. Бу мутлақо янги замон бошланаётганидан дарак эмасми?!.

Лекин нима бўлганда ҳам атрофда юз бераётган воқеалар ҳақида борини гапириш, қандай бўлса шундай кўрсатиш, ёзиш ижодкор одамдан кўп нарсени талаб қилади. Хусусан, бу самимиятни тилайдими, бу туйғу бугун камёб «матаҳ» каби кўпчилигимизнинг қалбларимизни кемтик қилиб турибди. 130 йиллик мустамлака сиёсати тафаккуримиз билан бирга қалбларимизниям «ислоҳ» қилиб юборгандай, гўё.

Бойларга нафрат ва ғарз билан қарашдек советча тафаккур ҳалиям онгимизда айланиб юрибди. Аслида эса бойлар (албатта, у ҳалол бўлса) кўп бўлиши жамиятга, давлатга фойда эмасми?! Яқинда бир ука-

рилайтир. Нафақат пойтахтда, балки юртимизнинг барча гўшаси бугун қурилиш майдонига айланган. Бундан одамлар, оддий одамлар наф қўраётгани бор гап. Мен бир оилани биламан. Эр-хотин ногирон, уч бола ногирон. Йигирма йил уйсиз саргардон кезишган. Шунча йил уларнинг ичидан ўтган аламни, дард-у ситамни билган билмаган латифасини айтиб юраверди. Шу оилани Сергелидан шинам уй берилди. Ҳамма шароити бор, текин. Эр-хотин хурсандчиликдан йўғайди, болалар ота-оналарини юпатишга уринишади... Бу ҳикоя учун сентиментал мотив эмас, реал ҳаёт. Бундай оилалардан мингларига уй берилди. Миллионлаб одамларнинг қалбида нур милтиради.

Энди айтинг, шу ишларни бошида туриб амалга ошираётган одам ватанпарвар эмасми?.. Зўрни тан олиш ҳаммагаям енгил иш эмас. Хусусан, бунинг учун одам мард бўлиши керак. Бироқ масала умумманфаат борасида кетаётган бўлса, одамда озгина миллатпарварлик ҳам керак бўлади. Ватани обод кўриш, бошқалардан кам бўлмаслик, Президентимиз айтганидай, эргашувчи эмас, эргаштирувчи халқ бўлишимиз янгиланаётган Ўзбекистоннинг стратегик мақсад мудооси десак, адашмаган бўламиз. Зотан, халқимиз асрлар давомида дунёни ўзига қаратиб келган. Саҳналарнинг тўрида бўлган, ҳал қилувчи гапни айта олган миллатдир.

5  
Мана шулар ҳақида ўйлаганда, беихтиёр кишилик жамияти босиб ўтган йўлга мурожаат қиласан, киши. Дунёда шундай қудратли халқлар бўладики, улар зиммасидаги тарихий масъулият гўё толеига халоскорлик битилган афсонавий қаҳрамонларнинг қисматига ўхшаб кетади. Ва бу кўҳна дунё ўта қалти вазиятларда айнан ўша халқлар юз боради, уларнинг кўмагидан мадад олади.

Мисли йўқ кечмиш ҳодисалар талқини шундан далолат беради.

Ўқиган бўлсангиз, Данте Алигьери «Иллоҳий комедия»да Тўмарисни шундай улуғлайди: Даҳшатли қасос олиб, намоён бўлган Тўмарис Кирга шундай дейди: «Сен қонга ҳамшира ташна эдинг, Қоникмайин ичабер».

Тарихчи Павел Орозий «Жаҳон тарихи»



# ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

## Жамоатчилик комиссияси бу борадаги ишларни таҳлил этмоқда

Унда мутасаддилар туманининг иссиқлик таъминоти ва ичимлик суви тармоқларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича бажарилаётган ишлар хусусида маълумот берди.

Тадбирда йўл қўйлаётган камчиликлар, айрим ташкилотларнинг ўта муҳим масалага сузқашлик билан ёндашаётгани танқид қилиниб, муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш зарурлиги қайд этилди.

Иссиқлик ва ичимлик суви таъминоти тизимларини ҳамда кўп қаватли уйларни таъмирлаш ишларини қисқа муддатда яқунлаш кераклиги, кўп қаватли уй-жой фондини мавсумга тайёрлаш, таъмирлаш ишларини сифатли бажариш, ширкатлар фаолиятини самарали ташкил этиш, аҳолини иссиқлик энергияси билан таъминлаш борасида кўрсатмалар берилди. Бундан ташқари, баъзи мактабгача таълим муассасаларининг том қисмида, айрим мактабларнинг иссиқлик тизимида, хусусан, ертўласида муаммолар борлигига ҳам эътибор қаратилди.

Мутасаддиларнинг маълум қили-

шича, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумида узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида иссиқлик тармоқларини мукамал ва жорий таъмирлаш, изоляция қилиш режалаштирилган.

Йиғилишда жорий йилнинг сентябрь ойида ишчи гуруҳ аъзолари сони кўпайтирилиб, ўн кун давомида масала қайта ўрғанилган ва тумандаги 59 мингга хонадон камраб олингани таъкидланди. Ўрганишлар жараёнида тумандаги 1150 та кўп қаватли уйдан 315 тасида турли камчиликлар аниқланди.

Жорий мавсумга тайёргарлик ишлари пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ҳам жадал суръатда амалга оширилмоқда. Хусусан, кўп қаватли уйларнинг том қисмини мукамал таъмирлаш, ертўлалардаги муҳандислик коммуникациялари, кириш йўлақлари, электр тақсимловчи шитлар, иссиқлик қувурларини таъмирлаш, янги болалар майдончалари қуриб, мавжудларини қайта таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, ишчи гуруҳлар кўп қаватли уйларда аниқлаган камчилик-

лар ҳам айтиб ўтилди. Кўп қаватли уйларнинг том қисмида таъмирлаш ишларини амалга ошириш, кириш йўлақлари, носоз лифтлар, ҳудуддаги таъмирталаб ички йўлақлар, иссиқлик қувурлари ва иссиқлик тармоғини ювиш ишлари бажарилмаган. Шунингдек, уйларнинг олд қисмидаги йўлақлар, капитал таъмирга муҳтож мактаблар ҳамда мактабгача таълим муассасалари ҳам мавжуд.

Гарчи аксарият бинолар 2019-2020 йилги капитал таъмирлаш дастурига киритилган бўлса-да, мавсумдан беталофат чиқиб олиш учун зарурий таъмирлаш ишларига эҳтиёж мавжудлиги учрашув давомида қайд этилди.

Сергели туманида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш борасида бажарилган ва бажарилиши кўзда тутилган ишлар, шунингдек, кўп қаватли уйлардаги носоз лифтларни таъмирлаш ва шу каби аҳоли учун ноқулайлик туғдириши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Аъзам АБУЛҲАЙДОВ,  
«ISHONCH»



# Мураббий ўз ишига қайтади

Газетанинг шу йил 24 сентябрдаги сонидан чоп этилган «Мураббий нега ошпазга айланди?» сарлавхали мақолага Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги қуйидагича муносабат билдирди:



Мураббий нега ошпазга айланди?

Данғара туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида югуриш йўлагининг 100 метрлик қисмига асфальт ётқизилган бўлиб, қолган қисмига асфальт ётқизиш, гандбол майдонини реконструкция қилиш, марказий ўйингоҳдаги томошалар учун мўлжалланган ўриндиқларни ўрнатиш ҳамда ҳожатхонани замонавий ҳолатга келтириш учун 835 миллион сўмлик смета-харажатлари тайёрланган. Айни пайтда Данғара тумани ҳокимлиги ва молия бўлимига маблағ ажратилиш учун мурожаат қилинган.

Вазирлар Мақамасининг 2019 йил 13 июлдаги қарорига асосан спорт мураббийлари тренерлик фаолияти билан шуғулланиши учун ҳар 3 йилда бир мартаба аттестациядан ўтиши шарт. Мазкур қарор талабларидан

келиб чиқиб, Данғара тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг собиқ футбол мураббийи Мухтор Очилдиев билан суҳбатлашилди. Ҳозирги кунда Данғара тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тавсияси билан у тумандаги 30-сонли умумтаълим мактабига жисмоний тарбия ўқитувчиси сифатида ишга жойлаштирилиб, спорт мактабига ўриндошлик асосида оммавий спорт турлари бўйича мураббий-йўриқчи лавозимига ишга қабул қилиниши режалаштирилган.

Бундан ташқари, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига спортнинг бокс, бадий гимнастика, дзюдо, баскетбол, кураш ва қўл жанги турлари бўйича мураббийлар билан таъминлашда амалий ёрдам бериш ҳақида мурожаат қилинди.

\*\*\*

# Шароит яхшиланади

Газетанинг жорий йил 26 сентябрдаги сонидан чоп этилган «Парвоз тушови ёхуд орзулар қачон ушалади?» сарлавхали мақолага вазирлик шундай жавоб йўллади:



ПАРВОЗ ТУШОВИ

Заврабод тумани Жисмоний тарбия ва спорт бўлими тасарруфидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг 2-бини 2017 йилда қурилган. Маҳмуа 6 гектарга яқин майдонни эгаллаган бўлиб, ҳудудда 18х42 ҳажмдаги универсал спорт зали, 64-102 ҳажмдаги футбол майдони, 45х70 ҳажмдаги футбол майдони ҳамда 15х28 ҳажмдаги баскетбол ва волейбол майдонлари мавжуд.

Спорт мактабининг 18х42 ўлчамдаги спорт залида бокс рингини ривожлантириш эвазига спортнинг мини-футбол, баскетбол, қўл тўпи турлари бўйича мусобақалар ўтказиш мумкин.

Тоза сув таъминлиги учун спорт мактаби ҳудудига вақтинчалик билан сув бериб турилгани сабабли ювиниш хоналари доимий тарзда ишламайди. Бунинг оқибатида ювиниш хонасидаги жиҳозлар занглай бошлаган. Бироқ ҳозирги кунда ювиниш хонасидаги жиҳозлар тозаланди ва камчиликлар бартараф этилди.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида туманга Птахтор туманидан тоза ичимлик суви тортиб келинган бўлиб, спорт мактаби ҳам тез кунда мазкур қувурларга улашиб, тоза ичимлик суви билан таъминланади.

2017 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси спорт мактаби базаси учун 79 турдаги спорт жиҳозларини тақдим этган. Уша пайтда туманда спортнинг гимнастика тури бўйича мутахассис бўлмагани сабабли бадий гимнастика гилами берилмаган.

Туман спортчилари жорий йилда Ўзбекистон чемпионати ва кубогига 37 та (7 та оltин, 8 та кумуш ва 12 та бронза, халқаро турнирларда 2 та оltин ва 8 та бронза) медални қўлга киритган. Бу эса туманда мунтазам спорт билан шуғулланувчи ёшлар сонининг ортиб боришига ижобий туртки бериши шубҳасиз.

О.ОҚСИМОВ,  
Жисмоний тарбия ва спорт вазирининг биринчи ўринбосари

# Ҳафталик Фахрийлар ЭЪЗОЗДА

«Кексалар ҳафталиги» доирасида Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касаба уюшмаси ҳамда тармоқ тизимидаги ташкилотлар қатор тадбирларни амалга оширди.

Хусусан, тизимда фаолият кўрсатаётган 20 нафар фахрийнинг маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлаш учун концертга олиб борилди. «Махам-Chirchiq» акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ҳамкорлигида 100 нафар фахрий учун пойтахтимиз ва Тошкент вилояти бўйлаб зиёрат ва саёҳат ташкил этилди.

Шунингдек, жамият қошидаги «Мадад» уюшмаси фахрийлари ўртасида шашка, шахмат ва стол тенниси бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Ҳалиларга эсдалик совғалари топширилди.

«Андихон биокимё заводи» акциядорлик жамияти корхонада ишлаб пенсияга чиққан 205 нафар фахрийга 100 000 сўмдан маблағ ажратди. «Аммофос-Максам» акциядорлик жамияти эса корхонанинг собиқ 700 нафар ходимидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тарқатди.

Шаҳина ЖҲАЕВА,  
Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши етакчи мутахассиси

# Қорақалпоғистон Республикаси

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кейинги икки йилда бажарилган ишлар Мўйноққа қайта ҳаёт бахш этди. Бунёд этилаётган кўп қаватли иморатлар, маданий-маиший объектлар ва спорт иншоотлари, таълим муассасалари туман хуснини очмоқда. Ҳар ойда бир корхона фаолият бошлаётган гўшада янгиликлар кўп. Мана шундай ўзгаришлар таълим соҳасига ҳам кириб келмоқда.

Туманимизда 17 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатяпти. Ўтган уч йил ичида ўнга яқин мактабда таъмирлаш ва реконструкция ишлари бажарилди. Замонавий мактабларда минглаб ўқувчилар малакали устозлардан таълим-тарбия олиб, фанларни чуқур ўзлаштирмоқдалар. 2-мусиқа ва санъат мактаби фаолият бошлаш арафасида. Туман марказида бўй тиклаган «Сурхон қуёши» номи мактабгача таълим муассасаси сурхонлик юртдошларимизнинг мўйноқликларга кўрсатаётган меҳр-муруввати ва эзгу эътиборидан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон касаба уюш-



# Ғамхўрликнинг ёрқин намунаси

малари Федерациясининг туманимизга, айниқса, ижтимоий кўмакка муҳтож аҳолига кўрсатаётган ёрдами бекиёс. Бугун мўйноқлик ҳар бир муаллимнинг мамлакатимиздаги санаторийларда касаба уюшмалари кўмагида имтиёзли дам олиб, соғлиқларини тиклаши учун шароит яратилган. Замонавий уй-жойлар олиш иста-

диқ чиқариши таъминланади. Яқинда дам олиш марказига совға этилган «Damas» автоуловчи мўйноқлик ўқувчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Мирзабек ХОЖАМЕТОВ,  
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Мўйноқ тумани кенгаши раиси

# Эълонлар

## «Технолог» акциядорлик жамияти

«Технолог» АЖ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2019 йил 4 ноябрь кунини соат 15:00 да Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Машҳадий кўчаси, 210-уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида ўтказилади.

Навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри 2019 йил 29 октябрь ҳолатига шакллантирилади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 14:00 дан бошлаб, паспортлар асосида

ёки акциядорларнинг вакиллари учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончномалар орқали амалга оширилади. Маълумот учун телефонлар: (0371) 268-42-31.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг санаоқ комиссияси таркибини ва сонини тасдиқлаш;
2. Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
3. Жамият қузатув кенгашининг вако-

латларини тугатиш ва қузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига тайёрланган материаллар билан «Технолог» АЖнинг Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Машҳадий кўчаси, 210-уй манзилида жойлашган маъмурий биносида ва «Технолог» АЖнинг корпоратив ахборотлари эълон қилинадиган расмий веб-сайти www.technolog.uz да танишиш мумкин.

«Технолог» АЖ қузатув кенгаши

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 28.02.2018 йилда №83668 рақам билан рўйхатдан ўтган «SMARTXPO» МЧЖ (СТИР: 305359030) тугатилади.

Давло ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: +99871-267-53-16.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини жамоаси ва касаба уюшма кўмитаси француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси доценти

**Маннобжон НИШОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки жамоаси ва касаба уюшма кўмитаси банк марказий идора ходими

**Ихтибор МАНСУРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

**МУАССИС:**

**O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi**

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**  
Хусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**  
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.**

**Манзилми:**  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
**Баҳоиси келишилган нарҳда.**

**Таҳририят ҳисобрақами:**  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТМ5 «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,  
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги муҳбирлар:**  
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро – (+998-99) 889-90-31  
Жиззах – (+998-99) 889-90-34  
Наманган – (+998-99) 889-98-02  
Навоий – (+998-99) 889-90-28  
Тошкент – (+998-99) 889-90-25  
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26  
Сурхондарё – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

**Навбатчи муҳаррир:**  
С. Абдурахмонов

**Мусакхчи:**  
С. Шодиева

**Саҳифаловчи:**  
Ҳ. Абдуқалилов

ЎзА яқини – **00-50**  
Топширилди – **01-20**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г-1017**. **27692** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5